

«У Маймун ибн Меҳроннинг шундай деганини эшитди: «Уч нарса яхшигаю фожирга қилинаверади: Силаи раҳм яхшига ҳам, фожирга ҳам қилинади; Омонат яхшига ҳам, фожирга ҳам адо этилади; Аҳд яхшига ҳам, фожирга ҳам вафо қилинади».

Ушбу ривоятда зикр қилинган уч нарсани кимга бўлса ҳам қилинаверади.

Бу уч нарсанинг бири – қариндошларга яхшилик қилиш.

«Фалончи фисққа сабаб бўладиган ишни қиляпти, шариатнинг кўрсатганидан чиқди, фожир бўлди, мен ундан алоқамни уздим», дейишга қариндошларнинг ҳаққи йўқ. Қариндош яхши одамми, ёмон одамми, тақводорми, фожирми – барибир, қариндошлик ҳаққи бор, адо этилиши лозим экан.

Уч нарсанинг иккинчиси – омонат.

Бировда бошқанинг омонати бор. Ана шу омонатнинг эгаси яхши одамми, ёмон одамми, тақводорми, фожирми – фарқи йўқ, омонатни адо этиши керак. Менда омонати бор-у, эгаси фожир, бетавфиқ, фосиқ, унга бермасам ҳам бўлаверади, деб ўзича фатво чиқариб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Омонатнинг эгаси ким бўлишидан қатъи назар, омонатга масъул бўлган инсон уни адо этиши лозим экан.

Мазкур нарсаларнинг учинчиси – аҳд.

Яхшигами, ёмонгами, бетавфиққамаи, тақводоргами – барибир, аҳднинг устидан чиқиш керак. Мен ваъда берган эдим-у, ваъда берган одамим, кейин билсам, бетавфиқ экан, фожир экан, фосиқ экан, ваъдамнинг устидан чиқмасам ҳам бўлаверади, деб ўзига ўзи фатво чиқариб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

هُلِّفَ فِ تَدَاةٍ نَمَّءِءِ اَوْسٍ نَهِي فُرْفَاكُلْ اَوْ مَلْسُمْلَا ثَالِثَ لِقَاقِ نَارَوْمِ نَبْنُومِي مَنَعِ
اَلصَّيْلِ فُحْرُةَ لَنَاكُ نَمَوِّجَ وَرَعْلَلْ دَعْلَا اَمَّنْ اِ، اَرْفَاكُ وَا نَاكُ اَمْلَسْمُ هَدَّوْعَب
اَرْفَاكُ وَا نَاكُ اَمْلَسْمُ هِي لْاِوْدَا فِ اَنْ اَمَّا اِلَعَا كَم تَائِلَا نَمَوِّ، اَرْفَاكُ وَا نَاكُ اَمْلَسْمُ

Маймун ибн Меҳрондан ривоят қилинади:

«Уч нарсада мусулмон ҳам, кофир ҳам баробар: кимга аҳд берган бўлсанг, мусулмон бўлса ҳам, кофир бўлса ҳам, вафо қил. Зеро, аҳд Аллоҳ азза ва жалла учун бўлади; кимнинг қариндоши бўлса, мусулмон бўлса ҳам, кофир бўлса ҳам, унга силаи раҳм қилсин; ким сенга омонатни ишонса, мусулмон бўлса ҳам, кофир бўлса ҳам, унга

омонатни адо эт».

Ушбу ривоятда зикри келган ишларда мусулмон билан кофирнинг орасида фарқ йўқ.

Улардан бири аҳдга боғлиқ. Яъни, айтайлик, бир кишига сен аҳду паймон бердинг. Аҳдингга вафо қил. Бунда аҳд берган одаминг муслимми ёки кофирми ким эканининг фарқи йўқ. Чунки аҳд Аллоҳ аzza ва жалла учун берилади. Аҳд берилган шахс ким бўлишидан қатъи назар – мусулмонми, кофирми, Аллоҳ таолонинг розилиги учун унга вафо қилиш талаб этилади.

Иккинчиси қариндошларга боғлиқ. Яъни, кимнинг қариндошлари бўлса, уларга силаи раҳм қилсин. Қариндош мусулмонми, кофирми – фарқи йўқ. Қариндошлиги борми, унга силаи раҳм қилинаверади. Мусулмон қариндошга силаи раҳм қиламан-у, кофир қариндошга қилмайман, дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Учинчиси омонатга боғлиқ. Яъни, айтайлик, бир киши сенга ишониб, бир омонатни топширди. Сен ушбу омонатга хиёнат қилма. Уни ўз вақтида адо эт. У омонатнинг эгаси мусулмонми, кофирми, фарқи йўқ.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 2-жуз.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида чоп қилинган.